

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI
TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O'TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI

Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to'plами

2020-yil 6-noyabr

"FIRDAVS-SHOH" NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020

“Qiyosiy adabiyotshunoslik: o‘tmishi, buguni, istiqbollari” Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari, 2020. – 284 bet.

Mazkur anjuman materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislar kiritilgan. To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o‘zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o‘zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontektida o‘rganilishi, o‘zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslari bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to‘plamda tartiblangan.

To‘plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyoshunoslik” fanini o‘qitishda oliy o‘quv yurti talabalari uchun ham qo‘srimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

Taqrizchilar:

Bahodir Karinov

- filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiyi

Xurshid Do‘stmuhammad

- filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekistonda Respublikasi Oliy Majlisiga Qonunchilik palatasi deputati

Tahrir hay’ati

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO‘TAU rektori
Akmal Saidov	O‘zR FA akademigi, yu.f.d.
Muhammadjon Xolbekov	f.f.d., professor (SamDCHTI)
Uzoq Jo‘raqulov	f.f.d., professor (ToshDO‘TAU)
Gulnoz Xalliyeva	f.f.d., professor (O‘zDJTU)
Ulug‘bek Hamdamov	f.f.d. (ToshDO‘TAU)
Qosimboy Ma’murov	f.f.n., professor (ToshDO‘TAU)
Dilnavoz Yusupova	f.f.d., dotsent (ToshDO‘TAU).
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., ToshDO‘TAU, (<i>mas’ul muharrir</i>)
Mahmadiyor Asadov	ToshDO‘TAU tayanch doktoranti, (<i>mas’ul kotib</i>)
Zebo Sabirova	ToshDO‘TAU o‘qituvchisi, (<i>mas’ul kotib</i>)

Ushbu to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig‘ilishi qaroriga asosan nashr tavsya etilgan.

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.

But to date, in some dialects there are also now special forms of formal and informal "you". For example, in Lancashire and Yorkshire, the Thu / tha is used as a denominator agreement, while thee is used as a denominator number, and thee is used as a denominator, thee is used as a denominator number.

References

1. Barth F. Enduring and Emerging Issues in the Analysis of Ethnicity // The Anthropology of Ethnicity. Beyond «Ethnic Groups and Boundaries». – Amsterdam, 1994.
2. Bromley Y.V. Essays on the theory of ethnus / 2nd edition, supplemented. – Moscow, 2008. – P. 440.
3. Dianova G.A. The term and the concept: the problems of evolution. [Termin i ponjatie: problemy jevoljucii]. Author. dis. ... d-RA filol. Sciences. Moscow, 1996.
4. Hubler, Edwin. *The Sense of Shakespeare's Sonnets*. Princeton: Princeton University Press, 1952.
5. Grinev S.V. Introduction to terminology. [Vvedenie v terminovedenie]. Moscow: Moscow state University, 1993.
6. Komissarov V.N. Contemporary translation studies. [Aktual'nye problemy uporjadochenija nauchnoj terminologii]. Moscow: ECT, 1990. P. 191.
7. Nodira. Tushumda ko'rsam edim. Toshkent: O'zbekiston, 2015. P. 199.
8. Uvaysiy, Nodira. O'zbek shoiralari bayozi. Toshkent: Fan, 1993. P. 56-57.
9. S.A. Tokarev Problems of types of ethnic communities. 1964
10. Sh. Raxmatullayev. O'zbek tili grammatikasi (morfologiya). –T., 1975. P. 144-190.

ОБРАЗ-ТРИАДАНИНГ 30-80-ЙИЛЛАР АДАБИЁТИДА БАДИЙ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Yulduz Ziyayeva
*Alisher Navoiy nomidagi
O'zbek tili va adabiyoti universiteti
o'qituvchisi
ziyayevayulduz@navoiy-uni.uz*

Аннотация

Ushbu maqolada образ-триаданинг 30-80-йиллар адабиётида хусусан, “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” романларида бадий акс эттирилишига тўхтамалганмиз. Жадид адабиётида образ-триада тизими ижтимоий вазифа бажарганини кўришимиз мумкин. Мумтоз адабиётда мавзу кўпроқ диний томондан бўлса, жадид адабиёти диний ва дунёвий тафаккур маҳсулни эди. Жадид адабиётидаги ошиқ образи анъанавий ошиқ, маърифатпарвар бўлиши баробарида мустамлака жамияти тартиб-қоидаларини қабул қилимайдиган, миллий тенгисизликни инкор этадиган киши сифатида гавдаланди. Янгича ижтимоий-сиёсий қарашга эга бўлган ошиқ ва маъшуқа образи ижтимоий муаммолар фонида тасвирланади ва биз кўпроқ шу жиҳатларига эътибор қаратдик.

Калим сўзлар: “ошиқ-маъшуқа-рақиб”, “учрашув”, “висол”, “айрилиқ” мотивлари, анъанаиви талқин, ижтимоий талқин.

Ўзбек адабиёти тарихида жадид адабиёти мухим ўрин тутади. Мумтоз адабиётда диний жиҳат кўпроқ кўзга ташланса, жадид адабиётида диний-дунёвий қарашлар ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммолари билан уйғун шаклда ўз аксини топади.

Жадид адабиётида ғарб адабиётидаги роман, драма, эссе, ҳикоя каби бадий жанрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай янги жанрларда ижод қилган жадид адабиёти вакиллари Махмудхўжа Беҳбудий, Сайидаҳмад Сиддиқий Ажзий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби

ижодкорлар ўз асарларида жадидчилик ғояларини акс эттириди. Жадид адабиётининг асосий хусусияти ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик мафкурасини миллий-озодлик курашига айлантиришида кўринади. Мустамлакачилик зулмига қарши кураш маърифатпарвар қаҳрамонлар орқали жамият тартиб-қоидаларига, ижтимоий тенгсизликка барҳам беришга қаратилган эди. Жадид адабиётида ана шундай муаммолар ечимиға қаратилган ғоялар бадиий образларда ўз аксини топган.

Илоҳий манбалардан келаётган анъанавий-тариҳий образлар “ошиқ-маъшуқа-рақиб” учлиги миф, эпос, ҳалқ қиссалари ва эртакларида, мумтоз достончиликда маълум тариҳий босқичларни босиб ўтди. Жадид адабиётида ҳам айни образ-триада аниқ поэтик вазифа бажарганини кўришимиз мумкин. Вадуд Маҳмуд “Тарқ шоири - Ажзий” мақоласида шундай ёзади: “Бу шоиримиз ҳам ошиқдир. Фақат буниң ишқи у на тасаввуф ишқидир, на реалист шоирларнинг зоҳирий ишқидир. Шоиримиз ошиқдир, маъшуқ эса ҳалқидир, миллатидир. Миллати ва ҳалқига муҳаббати унинг ишқидир. У ишқ эса бизга шуни билдирадир. Ажзий миллатининг ишқи, дарди билан сугорилган бир шоирдир. Унинг бу ҳаяжонлари ясалма эмасдир, чиндир, табиийдир. Ажзий шу “тарзи тафаккур”и билан адабиётни ижтимоийлаштирумак ва уни жамият учун фойдали бир шаклга сўқмоқ истаганини билдирадир”¹. Мақолада ишқ функциясининг ижтимоийлашуви ҳақидаги фикрлар илгари сурилгани, тадқиқотимиз учун муҳим ҳисобланади. айни образлар такомили, ошиқ-маъшуқа-рақиб тизимиға хос синтезлашув ҳамда трансформацион жараёнлар Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романларида яққол кўринади.

Ўзбек адабиёти тарихида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романни янгилик бўлди. Чунки роман ёзиш анъанаси бунга қадар миллий адабиёт анъаналарида йўқ эди. А.Қодирий романининг янгилиги, роман сюжетининг асоси илоҳий манбалар эканлиги билан ҳам белгиланади. У.Жўракулов илмий изланишлари натижасида “Ўткан кунлар” романни сюжети, образлар тизими айнан илоҳий ахборотлар билан сугорилганини илмий асослайди. Олимнинг фикрларига кўра, роман сюжети “Куръони карим”да келган “илк сюжет” билан тулашади. Айнан “илк сюжет” истилоҳида “Куръони карим”да келган Одам алайҳиссалом тўғрисидаги илоҳий ахборот назарда тутилган².

Ҳақиқатан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида “ошиқ – маъшуқа – рақиб” учлик тизими мукаммал ёритилган. Жадид адабиётига мансуб “илк ўзбек романни” “Ўткан кунлар”да Абдулла Қодирий ўлмас ишқ мавзусини кўтариб чиқиш баробарида ижтимоий ҳаётнинг қўрқинч бир ҳолатини ҳам айни триада асосида қаламга олган. Мумтоз адабиётда Искандар образи орқали Навоий адолатли шоҳ ҳамда Куръоний ахборотга асосланган валийлик, набийлик даражасида ошиқни асар марказига олиб чиқсан бўлса, Абдулла Қодирий романчиликка Отабек орқали тарихий-анъанавий тамойилларга таянган ҳолда шарқона ошиқ образини айнан “илк ахборот”даги Одам алайҳиссаломга хос жиҳатлар билан олиб киради. романдаги учлик образ “илк учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотивлари тизимида ҳаракатланади. Асардаги учлик зиддияти ҳақида У. Жўракулов шундай фикр билдирган: “Ундаги конфликтда айнан “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”лардаги шарқона формула замонавий шаклда намоён бўлади. Асардаги ишқий линияда ҳам (Отабек – Кумуш – Ҳомид), ижтимоий линияда ҳам ҳам (Миллат – миллий низолар – мустамлакачилик) учлик формуласи “илк сюжет”га бориб тақалаверади”.³ Ошиқ – маъшуқа – рақиб конфликтини ёзувчи миллат – миллий низолар – мустамлакачилик

¹ Маҳмуд В. Тарқ шоири-ажзий. <https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/782-maqola.html>

² Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп.– Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.-Б.153

³ Жўракулов. У. Назарий поэтака масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп.– Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.-Б.52.

конфликти билан параллел нүктада ушлаган. Шу билан учликтинг ижтимоий функцияда ҳаракати романнинг мазмун-моҳиятини, ёзувчининг бадиий мақсадини аниқ очиб берган. Абдулла Қодирийнинг мақсади мустамлакачилик сари етаклаган иллатларни қоралаш, миллий низоларни йўқотишга уриниш, миллатни уйғотишга шунчаки бадиий планда туриб сигнал бериш эмас, балки одамзотни иймон отлиқ инъомни қўлдан бермасликка ундаша, инсон Оллоҳнинг гўзал яратиги эканлигига инонишида ва шу номни асраб қолиш қанчалар мушкуллигини англатишида, ошиқ ва маъшуқа аро ишқ, ошиқ ва рақиб аро нафрат туйғусини юрт қайғуси билан боғлаб бера олганликда кўринади. Замона отабеклар билан бойиса, албатта, Ҳомид каби шайтанат олами вакиллари на Оллоҳга ишқда иймон бутлигини, на миллат бирлигини, на юрт келажагини синдира олади.

Куйида жаҳон романчилик анъаналари ва шарқ адабий-эстетик қараашларини ўзида намоён этган илк ўзбек романни “Ўткан кунлар”да ошиқ-маъшуқа-рақиб образининг илоҳий ахборларда келган Одам Ато, момо Ҳавво, иблис учлигини “илк учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотивлари контекстида кўриб чиқамиз.

Ошиқ (Отабек) образи. Аввало, ошиқ образига тўхтасак. Отабек ҳар жиҳатдан мукаммал аслзода бек сифатида ифода этилади. Шарқ анъанасига мувофиқ ошиқ ва маъшуқа тақдир ҳукми билан учрашади. “Қодирий романни ҳудди шу илк учрашув мотивиданоқ биз юқорида келтирган “Қуръони карим” мазмунига, демакки, самовий ҳақиқатларга тўла мос тушади. Дарҳақиқат, Одам (а.с.) нинг яратилиши, унга маърифат ато этилиши, шу боис унинг фаришталардан-да устун қилиниши, ниҳоят, унга атаб покиза бир жуфт – момо Ҳаввонинг яратилиши сира ҳам тасодиф эмас, балки азалдан “Лавҳул маҳфуз”да битилмиш тақдир эди”⁴. Отабек шарқ-ислом муҳитида тарбия топган, теран фикрли, вазиятга тўғри ва адолатли баҳо бера оладиган, ошиққа хос сифатларга эга. У роман марказига кириб келишидан ошиқнинг барча талабларига жавоб берадиган образ сифатида кўринади. Романда ошиқнинг шайтанат олами билан кураши кенг миқёсда содир бўлади. “Роман сюжет тизимида Отабек ва шайтанат аро кураш уч сатҳда кечади. Буларнинг биринчиси Отабек ва ижтимоий (миллий) шайтанат сатҳи ўртасидаги кураш бўлиб, бунга романнинг бошидаёқ муайян ишоралар берилади”.⁵ Отабекни ижтимоий ҳаётда юрт қайғуси қийнайди. Қипчоқлар қирғинига қарши бўлган бек отаси Юсуфбек ҳожининг юртбошилар қаторида шу қарорга келган деб ўйлаши уни анча чўқтириб қўяди. Юсуфбек ҳожи ўғлига бу ишда алоқаси йўқлиги ҳақида тушунтириш бериши Отабекнинг шунчаки тадбиркор, савдо вакили эмаслигини, юртда бўлаётган воқеаларга теран баҳо беришини кўрсатади. Асарда Отабек Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбек ҳақида ҳаққоний фикрлар билдира олади. Отабек ошиққа хос ўлим топиши, яъни шаҳид бўлиши ижтимоий ҳаётдаги шайтанат (мустамлака давлат) билан курашда юз берди. Юртдаги нотинчилар, Қипчоқлар қирғини, Азизбек, Мусулмонқул, Худоёрхон кабиларнинг адолатсиз сиёсати мантиқан мустамлакага замин ҳозирлаган эди. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олишни Авлиё ота қароргоҳидан бошлаган. Айнан шу ерда Отабек шаҳид кетади. “Иккинчи сатҳ майший турмуш воқелиги билан боғлиқ. Роман сюжетининг бошидан охиригача таранг тортилган майший шайтанат муаммолари, ўз моҳиятига кўра ижтимоий шайтанатдан ортиқ бўлса ортикли, сира ҳам кам эмас. Бу қатлам шу даражада мукаммал берилганки, у алал оқибат, ошиқ-маъшуқа ҳаётига ҳам, роман сюжетига ҳам хотима қўйишигача бориб етади”.⁶ Майший ҳаёт романда шу қадар мукаммал ишланганки, унда ҳар бир образ Отабекнинг рақибга қарши курашида муайян кўринишида намоён бўлади. Ҳомиднинг Кумушга учинчи хотин сифатида кўз тикиши, Зайнабнинг Отабекка даъвогарлик қилиб маъшуқа қотилига айланиши, ота-она орзузи билан иккинчи бор

⁴ Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.-Б.159.

⁵ Кўрсатилган манба.-Б.162.

⁶ Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015-й, 163-бет.

үйланишга мажбур бўлиш, уй ичи муаммолари Отабекни ижтимоий шайтанатдан кам қийнамайди. Икки олам шайтанати Отабекнинг ботиний оламига ҳам кўчади. Отабек, албатта, илмли, исломий тарбия топган, тадбиркор, ёш ва хушсурат, мустақил қарор қабул қилувчи, шунинг баробарида ота-она ризолигини оқловчи фарзанд эди. Турли ярамасликлар шундай инсонни ҳам сабрсизлик, май ичишга берилиш, ғазаб қилиш каби иллатларни орттириб олишига сабаб бўлади. “Учинчи сатхни роман сюжетида у қадар ҳам очиқ кўринмайдиган, аммо роман воқелиги ва қаҳрамонлар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ботин шайтанати ташкил этади”.⁷ Асарга “Хўжа Маъз” мозорида тунаш воқеаси киритилган. Ошиқнинг ботиний оламини тозалаш шу ерда тунаш билан якун топади. Рақиби туфайли Тошканд ва Марғилон ўртасида аниқ фикрга келолмай сарсон бўлган ошиқ Оллоҳ ёзигига иймон келтириб, узоқ чўзилган курашга нуқта кўйилишига инонади. Шундан кейин Отабек рақиби Ҳомидни мағлуб этади.

Отабек фақат ошиқ мақомида туриб барча ҳаракатларини маъшуқа учун йўналтиrmайди. Унда оила, ота-она, дўст-у биродар, миллат ҳаққини ҳам баравар ушлаш хусусияти бўлганлиги учун ҳеч кимни хафа қилмайди. Отабек кўпларнинг ҳурматига ошиқлиги учун эмас, аввало, ботиний олами тоза, ҳар жабҳада устунлиги, тижорат-у сиёсатга ақли етиши, оила тутиши, миллат учун қайғуриши билан сазовор бўлганлиги кўринади. Кумуш ҳам Отабекнинг мукаммаллиги учун садоқат сақлади. Отабекнинг ўлими романга шундай ечим берадики, бунда ошиқликнинг ҳам юртпарварликнинг ҳам муҳим ўрни борлигига амин бўламиз. Отабек шарқ мифлари ёки эртаклари анъанасига кўра ҳийланайранг билан ўлдирилмайди, душман билан очиқ жангда шахид кетади.

“Тўғри, асаддаги “висол” мотиви у қадар кўп давом этмайди. Роман сўнгтида ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам ҳалок бўлишади. Аммо шу ўтган қисқа вақт янги ҳаётнинг барпо бўлиши (Ёдгорбекнинг туғилиши), ошиқ-маъшуқа авлодларининг давомийлиги (Роман сўнгтидаги “Ёзғучидан” деб номланган изоҳда Ёдгорбекдан “икки ўғул” қолгани айтилади) учун кифоя қилади. Ошиқ-маъшуқанинг чин муҳаббати замин аро изсиз йўқолмайди. Энг муҳими, ҳар икки қаҳрамон ҳам, ислом шариатига кўра, дунёни шахид мақомида тарқ этади”.⁸ Отабекнинг авлодлари ҳақида гап кетганда яна ижтимоий томони кўриниб қолади. Ёзувчи Ёдгорбекнинг бир ўғли босмачиларга қўшилиб кетганини таъкидлаб кетади. Отабек асар давомида гарчи қўлига қурол олиб бутун борлигини сиёсий ишларга багишламаса ҳам, Авлиё отада рус босқинчиларига қарши курашга отлангани, авлодлари ҳам босқинчилар сафида эл-юрт ҳимоясига отлангани унинг ҳақиқий юрт ўғлони эканлигидан далолат беради. Ошиқ шу билан ижтимоий функциясини тўла бажаради.

Маъшуқа образи. “Ўткан кунлар” романида маъшуқа образида шарқ аёлига хос барча жиҳатлар жамланган: гўзаллик, иффатлилик, ақл-идрок, фаросат, садоқат, аразчилик, рашқ, соддалик ўзига хос жозиба билан тасвирланган. Муаллиф маъшуқа портретини чизгандаёқ унда суврат ва сийрат аро уйғун гўзаллик борлиги аёнлашади. Романнинг бешинчи фаслидаги “пар ёстиқ қучогида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ётқан бир қиз”⁹ Кумушбibi эди. Марғилоннинг гўзалларидан бўлган бу қизга таъриф шундай: “Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлиқ томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила кипрак остидаги тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... Қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийиф қошлиари чимирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... Тўлған ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизиллиқға айланганда, кимдандир уялған каби...”.¹⁰ Бу қадар гўзал малакни Отабек “арик бўйида” кўргандаёқ ошиқ

⁷Кўрсатилган манба, 163 -бет.

⁸ Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп.– Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015-й, 163 -бет.

⁹ А.Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Наврӯз, 2019.-Б.28.

¹⁰ А.Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Наврӯз, 2019.Б-29.

бўлганди. Кумушбибида ҳозир кўрилаётган ҳолат эса зимдан “илк учрашув”га боғлиқ. Шарқда аёл ўз жуфти ҳалолини чимилидиқда кўриши керак ва бу тақдирига битилгани ҳақидаги исломий-шарқона тутум. Ишқнинг пайдо бўлиши ошиқ ва маъшуқада “ариқ бўйида” кўрилган бўлса-да, Отабекка никоҳланган Кумушбиби йиғлаб-сиқтаб тақдирдан норизо чимилидиққа кирганда ўша шарқона биринчи учрашув содир бўлади. Маъшуқанинг тилидан “Сиз ўшами?” сўроғи янграганда иккаласи бир-бири учун яратилгани тасдиқланади. Ўзбекойимнинг ўғлидаги ҳаққи қундошлиқ тақдири билан ечилса-да, маъшуқани айрилиққа маҳкум этган маккор Ҳомид эди. Кумушнинг уйи тагини кавлаб маъшуқани ўғирлашга қасдланган рақибнинг ниятидан маъшуқа хабар топгач, кўрқув исканжасида қолади ҳам хайриҳоҳ қотилга миннатдорлик ҳиссини туяди. Шу ўринда Кумушбиби Отабекка рақибини енгишда худди Барчинойга ўхшаб маънавий кўмак берганини кузатамиз. Буни муаллиф Отабекнинг мактуби орқали беради: “Мен ўзимға бағишланған куч манбаъини жуда яхши онглар эдим, мендаги бу ўзгариш манбаъи уй ичида ухлағучи бир малак эди... Сиз эдингиз!”¹¹

Отабек бу маънавий кўмакни “иккинчи бор” деб таъкидлайди. Биринчисида Кумушбиби жасурлик, зукколик, оғир-босиқлик билан дор тагидан мактубни элтиб бериш орқали Отабекнинг жонини сақлаб қолган эди. Адабиётшунос Матёкуб Қўшжонов Ҳомид образининг иғво-найранглари Отабек ва Кумушнинг муҳаббати кучини кўрсатишга хизмат қилгани ҳақида ҳақли фикр билдиради: “Ўтган кунлар” романида Ҳомид Отабек устидан иғво юритади. Бу иғво натижасида Отабек икки марта оғир вазиятларга тушиб ўлимга хукм қилинади. Бу вазиятлар Отабек характеридаги ёзувчи таъкидламоқчи бўлган олижаноб хусусиятларни бўрттириб кўрсатишга хизмат қиласи. Бундан кейин ҳам Ҳомид иғво воситаси билан Кумуш ва Отабек ораларига совуқлик солади. Бу ҳолларда ҳам иғво Отабек ва Кумуш ишқ-муҳаббатининг нақадар инсоний, нақадар мустаҳкам эканини кўрсатиш учун хизмат қиласи¹².

“Кумушнинг сўз ўюни” фаслида Кумуш Зайнабдан зукколиги билан Отабекни кувнатади. Айрилиқдан кейин висол Кумушнинг ташрифи ва қундоши Зайнабга “сўз ўюни” кўрсатиб, айрилиқнинг асосий сабабини яширади. Отабекнинг сирларини фош этмайди. “Кундаш кундашдир” фаслида Кумушбибининг рашқ сабаб Отабекка Зайнабни қўйиб юбориши фикрини бериши қизганчиқлик ва кундашлиқдан азият чекишини олдиндан фаҳмлаганлигидан далолат беради. Ўлим Ширин, Лайли, Зухро каби маъшуқаларда “жаннатий висол”га ишора бўлиб, Кумушбиби ва Отабекда эса бу дунёдаги “қисқа саодатли висол” жаннатда давом этишига ишорадир. Негаки, маъшуқа ҳам худди ошиқдек шаҳид кетади.

Рақиб образи. “Ўткан кунлар” романида рақиб – Отабекка бутунлай қарама-қарши хусусиятларга эга Ҳомид. Ҳомид фақатгина хйла-найранг ишлатиб, ошиқ-маъшуқларнинг йўлини тўсмайди. Унинг бутун борлиғи, одамлар билан боғлиқ муносабатлари ҳасадга тўла. Ҳомидда ақлан бошқалардан устунлик бўлса ҳам, ўзи мансуб бўлган оламдан оёғини узолмай, атрофидагиларни ҳам шайтон йўлига бошлашга интилади.

Ҳомиддаги рақибга хос жиҳатларни кўриб чиқсак. Ҳомид асарда ошиқ ва маъшуқачалик ҳаракатланмаса ҳам, рақиб номига муносиб ошиқ ва маъшуқани ажратиб юборган, “айрилиқ”қа маҳкум этган асосий тўсиқ. Асарни ўқиб чиқиши жараённида Ўзбекойим, Зайнаб, Хушрӯй каби образларни ошиқ-маъшуқа муносабатларига тўсиқ бўлишини кузатамиз. Лекин кези келганда улар ҳам бирор-бир вазият билан ошиқ ва маъшуқа томонда бўлиб қолади. Ҳомиддаги рақиблик эса Иблис Одам атога рақибликни режа қилиб ер юзида машҳаргача яшашга эришган айни кўриниши. Уни биз том маънода асардаги ягона рақиб

¹¹ А.Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Наврӯз, 2019.-Б.266.

¹² Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.192.

дайишимиз мумкин. У энг аввал, карвонсаройда Отабек билан кўришиб, инсон жуфтини танлаш ҳақидаги сұхбатдаёқ маъшуқага муносиб әмаслигини кўрсатиб қўйган эди. “Кўп хотин орасида азобланиш ўзи нима деган сўз? Қамчингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қиласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалға тўйгунимча йўқ, аммо хотинни учта қилишға ҳам ўйим йўқ әмас”.¹³ Ишора ва таъкид айнан Кумушга йўналтирилган. Гарчи ошиқ ва рақибга маъшуқа маълум бўлмаса-да, хотин зотига муносабатда икки хиллик қай бирини маъшуқага тенг кўрилишини мантиқан исботлайди. Илк сұхбатдаёқ рақиб майдонга чиқди. Рақибнинг кейинги кўринишлари фитнадан иборат. У бир неча ўринларда ошиқ ва маъшуқа ўртасига ҳасадгўйлик, ёлғончилик, фитнакорлик билан тўсиқ қўяди. Кумуш Отабекка никоҳланиб қўлдан кетгач, рақиб ёлғон ишлатади ва ошиқни дор тагига бошлаб боради. Романнинг “Чақимчилик”, “Қамоқ”, “Нажот истаб Тошкандга” “Хукмнома” фаслларида Ҳомиднинг фитнакорлиги кўриниши, лекин чақимчилик Юсуфбек ҳожининг бир мактуби билан фош этилади. Кейинчалик унда яна имконият пайдо бўлиши билан “сохта талоқ хати” ёзиб, ошиқни маъшуқа дарвозасидан ҳайдалишига сабабчи бўлади. Кумуш сохталикка алданади ва ошиқдан айрилади. Шаърий эр-хотинларни нима айириши мумкин, у жаннатдаги мева даражасида бўлиши, уни тавсия этган эса Иблисчалик қув бўлиши керак, бизнингча. Отабек ҳам “айрилик”даги икки йил ичидаги рақибнинг азияти сабаб ичкиликка берилади. Буни биз икки хил рамзий маънода олсак бўлади: 1) май шайтоннинг хийласи; 2) май илохий ишқдан мастилик. Адабиётшунос У.Жўрақулов Ҳомиднинг рақиб даражасида кўринишини хаотик деб баҳолайди ва Сурхайл, Мастон кампир каби сеҳр-жоду ишлатувчи рақиблардан эканлигини қайд этади. “Отабек ва Кумуш образларида бўлгани каби, Ҳомид образининг ҳам ўзбек фолклори (“Алпомиш”даги Сурхайл, тўқсон алп сингари), шарқ мумтоз достончилигидаги (“Фарҳод ва Ширин”даги Мастон сингари) хаотик (шайтоний) образлардан бир улги бор. Буни биз Ҳомиднинг ошиқ-маъшуқани ажратиш йўлида қўллаган ҳар бир тадбирида кузатамиз”.¹⁴ Ҳомид “сохта мактуб” билан ошиқ-маъшуқа ўртасига тушганда улар бири Тошканда, бири Марғилонда эди. Маъшуқанинг эшиклари ошиқ учун икки йилча ёпилади, лекин Кумуш олдида Комилбой деган йигитга турмушга чиқиши ва рақиб уйининг тубигача кавлаб келиш вазиятининг пайдо бўлишини нима дайиш мумкин? Шу билан рақибнинг ижтимоий функцияси мустамлакачилик қўли билан миллат орасидан сотқинларни юртни сотишга ундаш бўлиб қоляпти. Миллат орасидан чиқсан сотқинлар – Жаннат опа, Содик, Мутал каби алданувчи, иродасиз одамлар. Ёзувчи уларнинг тақдирини каромат қилиб кетгандек. Роман миллий рух, юрт бирдамлиги ҳақида экан, ёзувчи миллат сотқинларини ва мустамлакачи мамлакатни биратўла жаҳаннам қаърига маҳкум эканига ишора қиласди. Мусулмонқул, Азизбек, Худоёрхон ва қипчоқлар қирғинини ташкиллаштирган бир нечта юрт катталари, аслида, ички низоларни англатади ва миллат – миллий низолар – мустамлака учбурчаги пайдо бўлади. Миллатни яқдиллиги рамзи эса Юсуфбек ҳожи. Шу тариқа образ-триада ижтимоийлик нуқтасида яна конфликтлашади.

Рақибдаги яна бир ҳолат, айнан Иблис фаолиятини тақрорлайди. Иблис агарда ер юзидағи одамларни йўлдан уролса, уларни ўзи билан дўзахга олиб кетиши мумкин. Худди шу ишни Ҳомид амалга оширади. Жаннат опа, Содик, Мутални ўз ортидан эргаштириб, ўғриликка бошлайди. “Душанба кун кечаси” фаслида маъшуқа ётган уйнинг тагини тешиб, эгрилик сари йўл олган шайтон ва унинг гумашталари ер остида Отабек томонидан ўлдирилади. Бу Иблис ва унга эргашувчиларни худдики уларнинг азалий макони ер ости (хаос) оламига итариб юборгандек, таассурот қолдиради.

¹³ А.Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Наврӯз, 2019-й, 11-бет.

¹⁴ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015-й, 174 -бет.

Рақибдаги яна бир сифат исён. Ҳомиднинг исёни, аввало, тақдирга. Иблис илмда донойи комилликка етишса-да, Оллоҳ тақдирини дўзахга битганди, Одам ато эса суюкли қилиб яратилди. Кумуш тақдир инояти ила Отабекка насиб этиши Ҳомидни исён бошлишга ва тақдирга норизоликка ундейди. “Зотан, Иблис ҳам ўзининг лайъинлик қисматига кибри ва ҳасадини эмас Одам (а.с.)ни айбдор деб топган эди. Шу сабабдан унга ҳasad ўтида абадий қоврилиб яшайди”.¹⁵ Аёллар борасида “хотинбоз” увонига сазовор бўлган Ҳомиднинг тақдирга исёни мантиқсиз. Рақиб аввал Раҳмат, Мирзакарим қутидор, уста Алим, уста Парфи каби образлар билан яқин мулоқотда бўлса-да, уларга нисбатан менсимаслик ва улар номига нолойиқ ишлар қилиш орқали ўзидан узоклаштириб қўяди. Комилбойни эса хотин олиш умидида ўлдириб қотилга айланади. Шайтоний яна ўзига хос бир жиҳат борки, Ҳомид буни пухта ўзлаштириб олган. Иблис ер юзига келадиган ҳар бир одамни кутиб олади, тўғрироғи пойлоқчилик қилиб ўтиради. Ҳомид Отабекни орқасидан пойлоқчилик қилиб мактубларни кўлга туширган эди ва шу билан Отабек йўқлигига маъшуқа қароргоҳига пойлаб бориб, ҳийла орқали ошиқнинг иштирокисиз қарор қабул қилишга мажбур қиласди.

Демак, рақибда ҳasad, қўролмаслик, исён, алдамчилик, ҳийлакорлик, пойлоқчилик сифатлари анъанавий образлардан босқичма-босқич ўтиб келган бўлса, сотқинлик, юртфурушлик, миллатни бўйсундириш каби ижтимоий сифатлар янгидан қарор топди. Адабиётшунос Умарали Норматов асар қаҳрамонларига баҳо берар экан: “Отабек-Кумуш-Зайнаб бахти, умрининг завол топишида Ҳомид типидаги нобоп муҳит етиштирган нопок кимсаларнинг, тубан шахслар айби билан юртда вужудга келган нотинчилкларнинг ҳам таъсири, зуғими катта. Аммо асар қаҳрамонлари, ҳар қанча чигал, мушкул, даҳшатли бўлмасин, давр тўзонлари, талотумларидан омон ўтадилар, Ҳомидлар қазиган чохлардан эсон-омон чиқадилар”,¹⁶ Дарҳақиқат, қанча синовларга бардош бермасин, оддий оилавий можаролар олдидаги ожиз қоладилар, ижтимоий-сиёсий ҳалқнинг ожизлиги оилалар мисолида ўз аксини топади.

Жадид адабиётидаги ошиқ образи анъанавий ошиқ, маърифатпарвар бўлиш баробарида мустамлака жамияти тартиб-қоидаларини қабул қилмайдиган, миллий тенгсизликни инкор этадиган киши. Янгича ижтимоий-сиёсий қарашга эга бўлган шахс. Отабек ҳақиқатдан маърифатпарвар (диний ва дунёвий илмга эга), мустамлакачиликни қабул қилмайдиган (Авлиё отадаги кураш), миллий тенгсизликни инкор этадиган (қипчоқлар қиргинини қоралаш), янгича ижтимоий-сиёсий қарашга эга (Азизбек, Худоёрхон, Мусулмонкул фаолиятини танқид қила олиш, Юсуфбек ҳожи билан юрт келажаги ҳақида баҳсга киришиш) сифатларини кўрсатди.

Ёзувчининг яна бир романи “Мехробдан чаён” мавзу жиҳатидан “Ўткан кунлар”га яқин. Унда Худоёрхон истибоди аникроқ очиб берилган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётга ошиқ образи бевосита аралашади. Унинг тили билан сарой ҳаётининг чиркин томонлари очиб ташланади. Анвар – ошиқ, Раъно – маъшуқа, Худоёрхон – рақиб, мулла Абдураҳмон, Шаҳобиддин муфти, Калоншоҳ – рақиб малайлари. Бу романда учлик тизими ижтимоий функцияни тўлиқ бажарганини кўрамиз. Анвар ошиқка хос маърифатпарвар, илмли, диний билимга эга, иймонли, фасоҳатли, юрт сурган йигит. Унинг рақиби Худоёрхоннинг қўли ҳар нарсага етади, албатта, фақир бир оиладан чиқсан йигитни хон билан тўқнашуви анча ишончсиз. Лекин Қодирий тафаккури орқали Худоёрхондан Анварнинг устунлиги бир неча ўринда очиб берилган. Худоёрхон юзлаб канизакларни саройда тутқунликда ушлайди, бундай инсон Раънога ҳам чанг солишга уриниши ўта кетган адолатсизлик. Юрт бошлиғига қўйилган биринчи талаб – адолатни Худоёрхон фуқароларга куч ишлатиш билан

¹⁵ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.-Б.173.

¹⁶ Норматов У. Қодирий мўжизаси. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2010. –Б.118.

алмаштиради. Тўғри унга мулла Абдураҳмон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ каби шайтанат олами вакиллари лавозим илинжида хийла ишлатиб, Раънони рўбарў қиласидилар. Лекин ёзувчи фикрича, Худоёрхоннинг суюкли хотинлари кўп ва канизакларнинг аянчли тақдирига Раъно асло муносиб эмас. Раъно ўз мирзабоиси Анварнинг севиклиси эканлигини билгач, ошиқни давлатга хиёнатда айблашиadolat тарозисини фақат ўзига тўғрилаб олишидан далолат. Романинг “Кўрқунч бир жасорат” фаслида Анвар рақиб билан юзма-юз кўришади.

“Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк ослари учб, соқол туклари силкинди ва бироз сўз тополмағандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

...

– Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмакчи бўлған қизга ҳам зўрлиқ қилиш борми, қиблаи олам!”¹⁷

Дўстини қутқариш учун мард бўлиб майдонга чиқкан ошиқни рақиб ўлимга хукм килса-да, “Сиздаadolat борми, жаноб?!?” жумласи билан мағлуб этилди. Анвар бир камбағал оиласдан чиқкан бўлса ҳам, иймон-эътиқодда, дўстга садоқатда, ишқ бобида, давлат ишларини юритишидаadolat таянади.

Ошиқ ва маъшуқанинг илк учрашуви Солих Маҳдум хонадонида ҳали бола пайтидаёқ содир бўлади. Солих Маҳдумнинг онаси Моҳлар ойим ўша пайтдаёқтирик бўлсам, Анварни куёв қиласман деб ният қиласиди. “Тақдир қилиниш” шу тарзда биринчи учрашувдаёқ аён бўлади. Анвар саройда бош мирзолик лавозимини эгаллагач, Солих Маҳдум тўй қилиш мавзусини ўртага ташлайди. Уларнинг айрилиги Раънонинг Худоёрхонга мақталиши билан тезлашиб кетади. Анварнинг саройдаги душманлари унга маънавий зарба беришга интилган эди. Раънодаги гўзаллик, жасурлик, севгига садоқат сифатлари уни чин маъшуқага айлантиради. Раъно ожиза қиз эмас, у Анвар билан қочиб кетишга куч топади. Раънонинг бу йўлда ошиқка маънавий кўмак бериши Барчиной ва Кумушдаги сифатларни тақрорлайди. Жадид адабиётида образ-триада тизими ижтимоий вазифа бажарганини кўришимиз мумкин. Мумтоз адабиётда мавзу кўпроқ диний томондан бўлса, жадид адабиёти диний ва дунёвий тафаккур маҳсули эди. Жадид адабиётидаги ошиқ образи анъанавий ошиқ, маърифатпарвар бўлиш баробарида мустамлака жамияти тартиб-қоидаларини қабул қилмайдиган, миллий тенгсизликни инкор этадиган киши сифатида гавдаланди. Янгича ижтимоий-сиёсий қарашга эга бўлган ошиқ ва маъшуқа образи ижтимоий муаммолар фонида тасвиirlанди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр. Хронотоп.– Т.: Faafur Fуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
2. Кўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Т.: Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
3. Норматов У. Қодирий мўжизаси. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2010.
4. Маҳмуд В. Тарқ шоири-ажзий. <https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadid-matbuoti/782-maqola.html>
5. А.Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Наврўз, 2019.
6. А.Қодирий. Мехробдан чаён. – Т.: Faafur Fуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.

¹⁷ А.Қодирий. Мехробдан чаён. – Т.: Faafur Fуломномидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.-Б.303-304.

7. Rafiqjon Zaripov.	Kognitiv rivojlanish va tarjima jarayonida ikki tillilik va ko'p tillilikning roli	195
8. Umida Abdullayev.	Translation strategies for advertising discourse texts: best known tv commercials in uzbek	201
9. Xamza Avazov, Xidirov Shuxrat.	The importance of translating authentic texts during the learning process.....	203
10. Абдукаюмова Д.Б., Орехин-Рыжина В.А.	Особенности и проблемы перевода художественных текстов.....	206
11. Азиза Жалолова, Мансур Бабаев, Ўғилой Мавлонова.	Реалиялар (американизмлар) таржимаси муаммоси ва унинг хорижий тилларни ўқитишдаги ўрни.....	209
12. Дилафрӯз Каримова.	Бир эртакнинг уч таржима варианти хусусида	213
13. Дилноза Сабурова.	Таржимоннинг бир сўзи.....	216
14. Махмудова Муаттар.	Садриддин Салим Бухорийнинг таржимон бўлиб шакланиш омиллари .218	
15. Орехин-Рыжина В.А..	О проблемах адекватности в преподавании перевода	220

VI. ILMIY AXBOROTLAR

1. Gadoeva Mavlyuda.	Conceptual analysis of phraseological units with the somatism component in the system of non-related languages	224
2. Sharipova D.Sh., Gaybullayeva M.A., Adizova Z.	Methods of developing skills and abilities in learning a foreign language	228
3. Sharipova Dilnoza, Oblokulova Malika, Askarova Dilnoza,	Some analysis and considerations about symbols	230
4. Akhmedova Rano.	Classification and lexical-semantic features of somatic phraseological units related to culture in english and uzbek languages.....	233
5. Rano Akhmedova, Narziyeva Inobat.	Classification of authentic materials and the role of their usage in foreign language lessons	235
6. Фируза Нарзуллаева.	Инглиз ва ўзбек тилларида «кўз» сўзининг полисемантиклиги	237
7. Dilnoza Xabibullayeva.	Jahon adabiyoti va tibbiyot.....	240
8. Abdurazakov B.S.	Some types of semantic correlates of phraseological configurations and its structural-semantic varieties	243
9. Achilova R.A., Babayev M.T., Atamuradova O.A.,	Benefits of grammar in english classes	245
10. Dilshoda Mamatova.	O`zbek talabalarining xitoy tili miqdor to`ldiruvchisini o`rganishini tadqiq qilish.....	247
11. Mavlonova O`g'iloy.	Vaziyatli kinoya va misollar orqali uning tahlili.....	250
12. Karimova Shaxnoza.	Poetik sintaksis haqida	252
13. Ziyayeva Dilnoza.	Syntactical characteristics of english speech verbs	255
14. Ачилова Рисолат.	Антономазияларнинг ўзбек бадиий асарларидағи ўрни	259
15. Джумаева Нозима.	Инглиз ва ўзбек эртакларида ўхшаш вазифали сөхрли предметлар талқини.....	262
16. Shaxnoza Karimova, Dinara Ibragimova.	Og'irlilik va uzunlik ma'nosidagi numerativlar	265
17. Моҳичхера Ниязова.	Инглиз ва ўзбек никоҳ тўйларида айтиладиган олқишиларнинг ғоявий-шаклий муштараклиги.....	267
18. Мехринисо Очилова	Электрон луғат – лексикография ривожининг янги босқичи маҳсули.....	269
19. Nilufar Ochilova	“Do`nan” hikoyasida “ot” obrazi.....	275
20. Диёра Бобоназарова.	Дискурс анализ – как современный метод интерпретации информации ...277	
21. Khayatova Zarnigor.	Relationship between uzbek and english literature: ethno- cultural specificity of concept studies	279
22. Yulduz Ziyayeva.	Obraz-triadaning 30-80-yillar adabiyotida badiiy aks ettilrilishi	281